

БАНК ТИЗИМИДА РАҚАМЛИ МОЛИЯВИЙ ХИЗМАТЛАР: ТАРАҚҚИЁТ ВА ОЛДИНДА ТУРГАН ВАЗИФАЛАР ЕЧИМИ

Улуғбек МАҲМУДОВ,

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки
Тўлов тизимлари департаменти директори



лаштириш, тўлов қилиш ва ҳатто шикоят юбориш ҳам мумкин. Бир неча сония ичида бу операцияларни амалга ошириш имконини берувчи дастурлар ва қурилмалар мавжуд, ахир илгари бунга ойлар кетарди, кўпинча кун бўйи навбатда туришга тўғри келган.

Буларнинг барчаси ахборот-коммуникация технологиялари (АКТ) нинг ривожланиши, ахборотнинг рақамлаштирилиши, тарқоқ маълумотларнинг қоғоз манбаларидан электрон базаларга бирлаштирилиши натижасидир. АКТнинг ҳаётимизга жадал кириб келиши жаҳон хўжалик муносабатларининг глобаллашувини, товарлар ва хизматлар, шу жумладан, молиявий хизматлар етказиб берувчилари бозоридаги рақобатни кескин кучайтирди.

Банк тизими ҳам замон талабларига мувофиқ ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий қилишни давом эттирмоқда ва шу тариқа кўплаб банк хизматлари автоматлаштирилмоқда. Энди деярли барча банк хизматларини мобил телефон ёки махсус қурилмалар ёрдамида бир лаҳзада олиш мумкин. Бир неча йил олдин бундай имконият йўқ эди.

Президентимиз томонидан 2020 йил 12 май куни тасдиқланган «2020-2025 йилларга мўлжалланган Ўзбекистон Республикасининг банк тизимини ислоҳ қилиш стратегияси» да замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш, тижорат банкларининг бизнес жа-

раёнларини автоматлаштириш ва масофавий банк хизматларини кенгайтириш учун зарур шарт-шароитлар яратиш каби устувор вазифалар белгилаб олинди.

Замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш соҳасида тижорат банкларининг корпоратив трансформацияси жараёнида қуйидаги чора-тадбирларни амалга ошириш режалаштирилган:

- масофавий банк хизматлари, шу жумладан, контактсиз тўловларнинг сони ва қамровини кенгайтириш;
- скоринг, масофадан туриб идентификациялаш ва кредит конвейери тизимидан кенг фойдаланиш;
- банк ахбороти ва тизимларнинг ахборот хавфсизлигини кучайтириш;
- банк секторида янги концепциялар ва технологияларни кенг жорий этиш (финтек, рақамли банкинг).

Ушбу қадамлар мамлакатимизда рақамли иқтисодий ривожлантириш, Ўзбекистон иқтисодийнинг жадал ўсишини таъминлашга, мамлакатнинг жаҳон иқтисодийига ва иқтисодий ривожланган мамлакатлар билан бир қаторда эркин бозорга интеграциялашувини жадаллаштириш учун банк хизматларини рақамлаштиришга қаратилган.

Банк хизматларини рақамлаштириш – бу банк билан мижоз ўртасидаги ўзаро алоқаларни рақамли ахборот-коммуникация технологиялари асосида ўрнатишдир. Банк мижозлари молиявий хизматлардан фой-

Бугунги кунда ҳар биримиз ишнинг катта қисмини уйда, қўлимиздаги биргина телефон ёки планшет билан бажариш имкониятига эгамиз. Шунингдек, мобил илова очиш ёки ҳар қандай ташкилотнинг расмий сайтига кириб, керакли маълумотларни олиш, буюртмани расмий-

далангани сайин улар хизмат кўрсатишнинг қулайлиги, сифати ва тезлигини таъминлаш, вақтни тежаш ва операция харажатларини қисқартириш, электрон ҳужжат айланиши қанчалик муҳимлигини тушуна бошлайдилар. Ҳисоб юритиш ва бошқарув тизимлари интеграциялашмоқда, CRM (Customer Relationship Management) мижозлар билан ўзаро муносабатларни бошқариш тизими яратилмоқда.

Айниқса, чекка ҳудудларда банка мурожаат қилиш ва хизматлардан фойдаланиш қийин эди. Рақамли молиявий хизматлар банклар бўлимларини очиш норентабел бўлган олис ва аҳолиси кам ҳудудлардаги жисмоний ва юридик шахсларни самарали қамраб олиш имконини берди.

Рақамли ўзгаришлар орқали банкларнинг бизнес моделлари мақбуллаштирилмоқда, банк ва тўлов сегменти – масофавий банк хизматларидан тортиб то молиявий операциялар соҳасидаги ўзгаришларгача ривожланмоқда.

Банклар ўртасидаги рақобатнинг кучайиши

Банк хизматларини электрон форматда тақдим этишга ўтилиши ва аҳолига қулайлик яратилиши, албатта, рақобатнинг кучайишига таъсир қилди. Ўз навбатида, рақобат кучайгани сари ахборот-коммуникация технологиялари соҳасидаги янги имкониятлардан фойдаланиш зарурати ҳам ортиб бормоқда.

Шундай қилиб, иқтисодийнинг рақамлаштирилиши молиявий хизматлар бозорида банклар ва банк бўлмаган тузилмалар ўртасидаги рақобатни кучайтирди. Мижозларда молиявий хизматлардан қаерда ва қачон фойдаланишни танлаш имконияти пайдо бўлди. Мижознинг эҳтиёжларини ўрганиш натижасида банклар томонидан куну тун (24/7 режимида) ишлайдиган офислар очилди. Ушбу эҳтиёжларга мувофиқ молия бозорида таклиф этилаётган электрон банк технологиялари жадал ривожланмоқда. Бунга электрон тўлов тизимлари, электрон пуллар, масофавий банк хизматлари, шу жумладан, онлайн-банкнинг маҳсулотлари, банк терминаллари ва автоматлаштирилган банк марказлари мисол бўлади.

Рақамли молиявий технологиялардан фойдаланиш давлат, тўлов хизматлари етказиб берувчилари ва мижозлар ўртасида фаол ҳамкорлик қилиш имкониятини мақбуллаштиради. Мижозлар талаб ва эҳтиёжларининг доимий таҳлили банклар томонидан хизмат кўрсатишнинг янги усуллари жорий этилишига, янги жозибадор маҳсулотларнинг яратилишига олиб келади.

Шуни таъкидлаш лозимки, пандемия рақамли молиявий хизматларнинг жадал ривожланишига ҳам таъсир кўрсатди. Карантин бошлангунга қадар аҳоли банкка келиб, муаммони «жойида» ҳал қилишни маъқул кўрган ҳолда масофавий банкнинг камроқ қизиқарди. Банкларнинг кам сонли мижозлари масофавий банк хизматлари учун яратилган мобиль иловалар ва дастурий таъминотдан фойдаланардилар. Карантин туфайли уйдан чиқа олмаган аҳоли масофавий банк хизматларига кескин эҳтиёж сезди. Керакли хизматларни электрон каналлар орқали излай бошлашди ва зарур ҳолларда улардан фойдаланишди. Бу эса банкларни электрон иловаларга кўпроқ эътибор қаратишга, масофавий хизматлар, мобиль иловаларни яхшилашга ундайди.

Бошқача айтганда, иқтисодийнинг рақамлаштирилиши нафақат банклар учун янги имкониятларни яратади, балки уларни рақобатни кучайтириш, мижозлар учун қулай шарт-шароитлар яратиш, арзон ва

сифатли молиявий ва тўлов хизматларини кўрсатиш орқали мижозларни жалб қилишнинг янги усуллари излашга ундайди.

Тўлов тизимини рақамлаштириш натижалари


Ўтган уч йил мобайнида тижорат банклари фаолиятини тубдан такомиллаштириш, аҳоли ва бизнес билан тўлақонли ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, масофавий банк хизматларини оммавий жорий этиш борасида самарали ишлар амалга оширилди. Натижада замонавий технологиялар – интернет ва мобил банкинг каби банк мижозлари учун қулай бўлган масофавий банк хизматлар технологияларидан фойдаланиш кенгайиб бормоқда.

Бугунги кунда рақамли молиявий хизматларни йўлга қўйиш мамлакат банк-молия тизимини ривожлантиришнинг муҳим йўналишига айланди. Тармоқнинг меъёрий базаси такомиллаштирилмоқда, тўлов инфратузилмасининг ривожлантирилиши рағбатлантирилмоқда, масофавий банк хизматларини кўрсатишга ихтисослашган тўлов ташкилотлари (финтек компаниялари)нинг фаолияти кенгаймоқда.


Ўзбекистон Республикасининг «Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида»ги Қонуни қабул қилиниши билан мамлакатда фаолият юритаётган тўлов тизимлари операторларининг сервис инфратузилмаси кескин тарзда ошди. Бундан ташқари рақам-

1-график

Масофавий банк хизматларидан фойдаланувчилар



Марказий банкнинг «Лаҳзали тўловлар тизими» орқали амалга оширилган операциялар



ли молиявий хизматлар кўрсатишга ихтисослашган 28 та тўлов ташкилоти рўйхатга олинган. Контактсиз тўловларни ривожлантириш мақсадида халқаро стандартларга тўла мос келадиган НУМО чакана тўлов тизими яратилди, бу ўз навбатида банк карталари соҳасида рақобат муҳитини шакллантирди.

Ҳозирги кунда банкларнинг мобил иловаларига жисмоний шахслар учун барча асосий банк хизматлари, шу жумладан, тўловларни амалга ошириш, банк картасини блоклаш (блокдан чиқариш), микроқарз (кредит) олиш, онлайн депозит операциялари ва онлайн конвертацияни амалга ошириш жорий этилган.

2021 йил 1 июль ҳолатига кўра, масофадан хизмат кўрсатиш тизимларидан фойдаланувчилар сони 2020 йилнинг шу даврига нисбатан 5,5 млн. кишига (31%) ошди ва 17,4 млн. нафар фойдаланувчини ташкил этди (1-график).

Бундан ташқари карантин чекловлари шароитида фойдаланувчиларга имкон яратиш учун банк карталарини банкларнинг мобил иловалари (сайтлари) орқали юборилган онлайн-буюртмалар асосида чиқариш механизми жорий этилди.

2021 йилнинг 6 оyi давомида банклар мижозлари бўлган жисмоний шахслар томонидан мобил банк иловалари орқали онлайн депозитларни расмийлаштириш (6,7 трлн. сум), онлайн-конверсия (3,6 трлн. сум), онлайн микроқарзлар олиш (1,5 трлн. сум), кредитларни қайтариш (0,4 трлн. сум) бўйича операциялар, бошқа (бюджетга, коммунал хизматлар, алоқа ва ҳоказолар учун) 0,4 трлн. сум миқдорида тўловлар амалга оширилди.

2020 йилда яна бир банклараро тўлов тизими – Марказий банкнинг «Лаҳзали тўловлар тизими»нинг ишга туширилиши тижорат банкларининг мижозлари ҳисобланган юридик шахслар ва яқка тартибдаги тадбиркорларга масофадан туриб хизмат кўрсатиш орқали 24/7 режимида тўловларни амалга ошириш имконини берди. Ўтган йилнинг сентябрь ойида «Лаҳзали тўловлар тизими» бюджет ва солиқ тўловларини Молия вазирлиги ғазнасида ўтказиш, шунингдек, 24/7 режимида кредит ҳисобидан тўловларни амалга ошириш имкониятини яратди.

Бунинг натижасида жорий йилнинг биринчи ярмида «Лаҳзали тўловлар тизими» орқали 127,0 трлн.

сўмлик 5,4 миллионга транзакция, шундан бюджетга 4,3 трлн. сўмлик 724 мингдан ортиқ тўловлар амалга оширилди (2-график).

Инновацион сервисларни яратиш учун Tap-to-phone тизими (тижорат номи «Onetouch») жорий этилди, бунинг натижасида тадбиркорлик субъектлари (шу жумладан, ўзини ўзи иш билан банд қилган ва етказиб бериш хизматлари кўрсатувчи тадбиркорлар) учун тўловларни смартфон ёрдамида NFC тизими орқали олиш имконияти пайдо бўлди.

Контактсиз тўловлар технологиясини кенгайтириш доирасида, шунингдек, аҳолига қулай бўлиши учун чакана савдо ва пуллик хизматлар кўрсатиш шохобчаларида тўловларни банк картасидан фойдаланмасдан, мобил иловаларга ўрнатилган Нито Рау дастури (NFC тизими) орқали амалга ошириш хизмати жорий этилди.

2020 йилда Марказий банк товарлар ва хизматлар учун тўловларни банк картаси ва тўлов терминалидан бевосита фойдаланмаган ҳолда банк картасидаги пул маблағлари ҳисобига амалга ошириш имкониятини тақдим этувчи QR-онлайн лаҳзали тўлов ахборот тизимини ҳам ишга туширди.

Ундан фойдаланиш учун савдо ва хизмат кўрсатиш субъектлари тижорат банкларига мурожаат қилади ва мавжуд банк реквизитлари асосида шакллантирилган QR-кодни олади, харидорлар эса товар ва хизматлар учун тўловни ушбу кодни ўз мобиль иловалари ёрдамида сканерлаган («солиштириб текширган») ҳолда амалга ошириш имкониятига эга бўлишади.

Бугунги кунга келиб 75 мингдан ортиқ хўжалик юритувчи субъектлар QR-онлайн ахборот тизимининг QR-кодлари (стикерлари) билан таъминланган (3-график).

Ушбу тизимнинг ишга туширилиши:


- хўжалик юритувчи субъектларнинг ўрнатилган POS-терминали (анъанавий савдо терминали)га қўшимча равишда харидлар учун тезкор тўловларни амалга ошириш ва мижозларга сифатли хизматлар кўрсатиш;

- етказиб бериш, йўловчи ташиш каби соҳаларда фаолият кўрсатувчи ташкилотларга, шунингдек, ўзини ўзи иш билан банд қилган шахслар (фрилансер)га тўлов терминалларида фойдаланмаган ҳолда QR-коди орқали мижозлар тўловларни ўз вақтида олиш ҳисобидан операцион харажатларини камайитириш имконини берди.


Мамлакатимизда банк карталарига хизмат кўрсатувчи Uzcard ва Нито чакана тўлов тизимлари инфратузилмаси ҳамда тўлов тизимлари доирасида кўрсатиладиган тўлов хизматлари ривожланмоқда. Банк карталари инфратузилмасини кенгайтириш борасида амалга оширилган ишлар натижасида жорий йилнинг 1 июль ҳолатига кўра чиқарилган банк карталарининг сони 23,7 млн. донани ташкил этди (4-график).

Одамлар гавжум жойларга ўрнатилган банкоматлар ва инфокиосклар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 1194 донага кўпайиб, 12298 тага, тадбиркорлик субъектлари томонидан фойдаланилаётган тўлов терминаллари сони эса 8375 тага етди, яъни 438,9 минг донага кўпайди (5-график). Жорий йилнинг 6 ойи давомида банк карталарига 95,5 трлн. сўм ўтказилган бўлиб, бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 20 фоизга кўпдир. Тўлов терминаллари


3-график
QR-онлайн тизимида рўйхатдан ўтган мижозлар сони ва улар томонидан амалга оширилган транзакциялар



4-график
Банклар томонидан чиқарилган банк карталарининг сони, мингта



5-график
Банкоматлар ва инфокиосклар сони



орқали ўтказилган транзакциялар суммаси 15 фоизга ошди ва 49,8 трлн. сўмни, инфокиосклар орқали амалга оширилган транзакциялар

суммаси эса 29,3 трлн. сўмни ташкил қилди.

Миллий тўлов тизимларининг Visa ва Mastercard халқаро тўлов ти-

зимлари билан интеграциялашуви туфайли мижозлар республика ҳудудида жойлашган банкомат ва терминалларда халқаро банк карталари билан операцияларни амалга ошира бошладилар.

Умуман олганда, иқтисодийнинг ҳолати, хусусан, мижозларнинг молиявий ва тўлов хизматларидан қониқиш ҳосил қилганлик даражаси банк хизматларининг сифати, уларнинг жозибадорлиги ва хилма-хиллиги ҳамда мижозларнинг молиявий имкониятлари ва саводхонлиги билан узвий боғлиқ.

Мамлакатимизда рақамли молиявий хизматлар даражасининг ошишига узвий равишда ахборот хавфсизлиги, шу жумладан, банкларда киберхавфсизлик соҳасида малакали кадрларнинг шаклланишига, шунингдек, олис ҳудудларда, айниқса, қишлоқ жойларида тўлов инфратузилмасидан фойдаланиш кўникмаларини шакллантиришга, масофавий банк хизматлари ва рақамли молиявий хизматларнинг ривожланишига ҳисса қўшадиган мижозларни масофадан туриб идентификациялаш тизимини ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 февралдаги «Сунъий интеллект технологияларини жадал жорий этиш учун шарт-шароитлар яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорининг 2-бандида мижозларга ҳисоб рақамларни масофадан туриб очиш имконини берувчи банк хизматларидан фойдаланувчиларни масофадан туриб биометрик идентификациялаш тизими (Face-ID)ни жорий этиш вазифаси белгиланди. Бунинг натижасида мижозлар аудиториясининг қамрови кенгайди, у олис ҳудудларга ёйилади, жумладан, филиаллар тармоғининг қисқартирилиши ҳисобидан хизмат кўрсатиш жараёнларининг харажатлари камаяди.

Ушбу вазифалар ижросини таъминлаш мақсадида UZINFOCOM давлат ахборот тизимларини яратиш ва қўллаб-қувватлаш бўйича ягона интегратор, Давлат персоналлаштириш маркази ва Европа тикланиш ва тараққиёт банки билан ҳамкорликда мижозларни масофадан туриб идентификация қилиш ахборот тизимини ривожлантириш бўйича муайян иш-

лар амалга оширилмоқда. Шу билан бир вақтда ушбу соҳада рақобат муҳитини яратиш мақсадида тижорат банклари томонидан чет элда ишлаб чиқилган дастурий ечимлар тестдан ўтказилмоқда. Бугунги кунда Халқаро молия корпорацияси билан мижозларни масофадан туриб биометрик идентификация қилишни жорий этиш бўйича ҳамкорлик ўрнатилган, ишлаб чиқилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар www.regulation.gov.uz порталига жойлаштирилган.

Ўз навбатида тижорат банклари ва тўлов ташкилотларига масофадан туриб идентификация қилишдан синов режимда фойдаланишга рухсат этилган. Ушбу ҳолатда хатарларни ички назорат қоидаларига мувофиқ баҳолаган ҳолда, мижозни мобил илова фойдаланувчи сифатида рўйхатдан ўтказиш, мобил иловга банк картасини бириктириш ва шубҳали операцияларни аниқлаш учун фойдаланиш мумкин.

Бундан ташқари тўлов тизимларини тартибга солиш учун қўшимча норматив базани ишлаб чиқиш мақсадида Марказий банк Молиявий оммабонлик альянси экспертлари билан биргаликда тўлов тизимлари операторлари ва тўлов ташкилотларининг фаолиятини лицензиялаш, тўлов тизимларини назорат қилиш, масофадан туриб хизмат кўрсатилганда ва агентлик хизматлари жорий этилганда истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, шунингдек, онлайн ҳисоб-китоблар ва мобил тўловлар хавфсизлигини таъминлаш бўйича ҳужжатлар ишлаб чиқилган ва келишиш жараёнидалар.

Таъкидлаш лозимки, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 5 октябрдаги «Рақамли Ўзбекистон – 2030» стратегиясини тасдиқлаш ва уни самарали амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони яқин икки йил ичида рақамли молиявий хизматларни ривожлантиришни назарда тутди. Қўйилган вазифаларни ҳал этиш учун қуйидаги ишлар режалаштирилган:

- мавжуд тўлов инфратузилмасидан оқилона фойдаланиш ва бутун мамлакат бўйлаб тўлов терминаллари ва банкоматлар тармоғини кенгайтириш мақсадида Нумо ва Uzcard чакана тўлов тизимларини интеграциялаш;

- молиявий хизматлар кўрсатувчи ташкилотларнинг жорий харажатларини камайтириш, молиявий хизматларнинг операцион самарадорлигини ошириш ва уларнинг сифатини таъминлаш мақсадида энг янги молиявий технологиялардан (финтек) кенг фойдаланиш;

- ишончли маълумотлардан фойдаланиш, маълумотларни тўплаш жараёнида инсон омилини камайтириш, банк тизимида маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш ва таҳлил қилишнинг замонавий автоматлаштирилган тизимини жорий этиш;

- Марказий банкнинг Ягона маълумотлар омбори (Data Warehouse) ни самарали ташкил этиш ва банк бизнес-жараёнларининг таҳлилий тизимини жорий этиш;

- ахборотни ҳимоя қилиш ҳамда банк ва молия соҳасида киберхавфсизлик бузилиши ҳолатларининг олдини олиш, молиявий фирибгарликка қарши курашиш чораларини кўриш учун Марказий банк ҳузурида замонавий Fin CERT марказини ташкил этиш, шунингдек, банкларда, тўлов тизимларида ва тўлов ташкилотларида самарали ахборот хавфсизлиги ва киберхавфсизлик тизимини жорий этиш;

- банк карталари орқали тақдим этилаётган банк маҳсулотларининг таклифи ҳисобидан аҳолининг нақд пулсиз ҳисоб-китоблари ҳажминини кўпайтириш, банк хизматларининг сифатини ошириш.

Мухтасар қилиб айтганда, тўлов ва банк хизматлари соҳасидаги қатъий рақобатга барҳам бериш зарурати аҳоли молиявий маданиятининг ўсиши шароитида банкларга нисбатан муайян талабларни қўяди. Бундай ҳолда юқори сифатли рақамли банкинг хизматларини тақдим этадиган банклар, шубҳасиз, устунликларга эга бўлиши тайин. Рақобат бозорида фақат ўз фаолиятини банк бизнесининг янги талабларига ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларига мувофиқ ўзгартирган банклар барқарор ишлайди. Кўрилган чора-тадбирлар ва яқин келажакда амалга оширилиши режалаштирилган вазифалар ҳам янада ривожланишга, мунтазам назоратнинг ўрнатилишига ва банк тизимидаги камчиликларнинг бартараф этилишига хизмат қилади.